

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ**  
**ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**Худудларда профилактик ҳисобда турган ҳамда  
тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик  
руҳида тарбиялаш ва ўқитиш бўйича “Жасорат мактаби”  
ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинини  
ташкиллаштиришга оид**

**УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

**Тошкент - 2023**

Мазкур услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ш. Мирзиёевнинг 2023 йил 13 январь Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида “Жиззах тажрибаси” асосида профилактик ҳисобда турган ҳамда тарбияси оғир ёшлар билан “Жасорат мактаби” номли ҳарбий-ватанпарварлик йиғинларини ягона ёндашув асосида бошқа вилоятларга татбиқ этиш бўйича берган топшириқлари ҳамда жорий йил 14-15 февраль кунлари Жиззах вилоятида ўтказилган республика амалий семинари натижалари, семинар иштирокчиларининг таклиф ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, Мудофаа ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг соҳага оид мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди.

Услубий тавсияларда Жиззах вилоятининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳамда уларни фуқаролик позициясини кучайтириш бўйича илғор тажрибаси, бошқа ҳудудларда ушбу тоифадаги ёшлар билан ўтказиладиган шундай йиғинларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ишларни ташкил этишнинг ягона алгоритми ўрин олган.

Услубий тавсиялар ҳудудларда профилактик ҳисобда турган ҳамда тарбияси оғир ёшлар билан “Жасорат мактаби” номли ҳарбий-ватанпарварлик йиғинларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш учун масъул бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари учун мўлжалланган.